



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 206 (10.259)

2004 ЙИЛ 22 ОКТЯБРЬ

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — сайловга икки ойдан сал кўпроқ вақт қолди. Хўш, сайловолди кампаниясининг ҳозирги босқичида қандай ишлар бажарилапти? Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиш даражаси қандай ҳолатда? Бу борада сайловчилар ташаббускор гуруҳларнинг фаоллиги қандай?

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида юртимиз ва хориж мамлакатлари журналистлари учун ташкил этилган матбуот конференциясида ана шундай саволларга атрафлича жавоблар олинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик қириш ва ўтказиш бўйича ҳаракатлар дастури иккинчи босқичи тадбирлари қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилаётганини таъкидлади. Қонунга мувофиқ парламентнинг кўйи палатасига сайлов 120 худудий сайлов округи бўйича ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан ана шу сайлов округларини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Хар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси 119,6 минг сайловчи этиб белгиланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг таркиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссиясининг бу ҳақдаги қарори, шунингдек, округ сайлов комиссияларининг жойлашган манзили ва телефон рақамлари маҳаллий матбуотда эълон қилинди. Округ сайлов комиссиялари комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва қонунда белгиланган миқдордаги аъзолардан иборат таркибда ўз фаолиятини бажаришга киришди.

Округлар сайлов комиссиялари таркиби жами бир минг 334 киши. Шундан 299 нафари хотин-қиз, бир минг 167 нафари олий маълумотли мутахассис, 13 нафари фан доктори, 29 нафари фан номзодидир. Улар орасида 14 миллат вакили бор.

Матбуот анжуманида алоҳида таъкидланганидек, комиссиялар таркибида бирон-бир сиёсий партияга мансуб аъзълар мавжуд эмас. Аъзоларни танлашда уларнинг ҳолислиги, ўзлари яшаб-ишлайдиган худудда орттирган обрў-эътибори каби мезонларга таянилган.

Айни чоғда округ сайлов комиссиялари, аввало, сайлов участкаларини тузиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширмоқда.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига асосан сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза ва тақдим этган бошқа ҳужжатларини қўриб чиқди ва аризаларнинг келиб тушиш тартибига қараб, шу йил 15 октябрдаги 205-қарори билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, 16 октябрдаги 206-қарори билан Ўзбекистон Фидкорлар миллий демократик партиясига, 17 октябрдаги 207-қарори билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либериал-демократик партиясига, 21 октябрдаги 208-қарори билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига, 21 октябрдаги 209-қарори билан Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишга ижозат берди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
Матбуот хизмати

Сайлов участкаларини тузишда сайловчиларга овоз бериш учун қулай шарт-шароит яратиш асосий мезонлардандир. Шундан келиб чиққан ҳолда сайлов участкалари камида 20 нафар ва кўпи билан эса 3 минг сайловчидан иборат этиб тузилаёттир.

Марказий сайлов комиссияси хузуридаги махсус ишчи гуруҳи мутахассислари мавжуд бешта сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо ва рақалари тўғри тўлдирилганини текшириб чиқди. Эндиликда барча партияларга Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига иштирок этиш учун ижозат берилди.


Сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликка мувофиқ, хар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Ҳозирги пайтда жойларда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакиллари ўз гуруҳларини рўйхатга олишни илтимос қилиб, округ сайлов комиссияларига мурожаат этиши билан боғлиқ жараён давом этмоқда.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакиллари ариза ва қонунда кўрсатилган ҳужжатлар билан округ сайлов комиссиясига 24 октябрга қадар мурожаат қилишлари мумкин. Тегишли сайлов округларидан рўйхатдан ўтган сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўзлари кўрсатган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплагани бошлайди.

Марказий сайлов комиссияси раиси қайд этганидек, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 октябрдаги Фармойишига биноан, сайлов кампанияси сарф-ҳаражатлари учун давлат бюджетидан 3 миллиард 390 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилади.

Қонунга мувофиқ депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганда, яъни 22 октябрда бошланган ва сайловга 45 кун қолганда тугайди.

Ғулом МИРЗО,
Уза мухбири



Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Эмак-иншоот» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси сифатли, қўркам, харидорбоп эшик, ром ва витражлар тайёрлаб, буюртмачиларни мамнун қилмоқда.

СУРАТДА: йигувчи уста Яшнар Усмонов иш жараёнида.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахтнинг ўтган тўққиз ой давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

Кун тартибидagi асосий масала юзасидан сўзга чиққан шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиги Зафар Тўйиев ҳисобот даврининг асосий кўрсаткичларига алоҳида тўхталиб ўтиб, чунончи ўтган давр мобайнида шаҳарда макроиктисодий ва молиявий барқарорлик таъминлангани, ривожланишининг барча жаҳаларида ислохотлар давом эттирилгани, ақсарият иқтисодиёт тармоқларида тарихий ўзгаришлар кузатилаганини таъкидлаб ўтди. Буларнинг бари ҳисобот даврига белгиланган иқтисодий кўрсаткичларга эришишга, иқтисодий масалаларнинг ҳал этилишига имконият яратди.

Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳудудий ички маҳсулот ҳажми 3,3 фоизга, саноатда ишлаб чиқариш — 5,1 фоизга, чакана савдо улуши — 9,9 фоизга, пуллик хизматлар — 4,9 фоизга ошди. Давлат бюджетига даромадлар ҳажми режаланган кўрсаткичларга нисбатан 1,4 фоизга, маҳаллий бюджетга — 5,1 фоизга кўп бўлди.

Пойтахтнинг ташқи иқтисодий айланмаси миқдори ҳам ижобий томонга сезиларли даражада ўзгарди. Бу борадаги кўрсаткич айниқса экспорт ҳажмининг ошишига намён бўлди. Ўтган тўққиз ой ичида шаҳарнинг экспорт салоҳияти 38,5 фоизга юқорилди. Жалб этилган инвестициялар ҳажми бир ярим мартабага ошиб, 108,3 миллион АКШ долларига тенг бўлди.

Ҳисобот даврида шаҳарда капитал қурилиш барқарор амалга оширилди ва бунда асосий эътибор ижтимоий аҳамиятга эга объектларга қаратилди. Хусусан, Собир Раҳимов ва Юнусобод туманлари кесимида Кичик халқа йўлининг тўртинчи навбати фойдаланишга топширилди. Барча молиялаштириш манбалари ҳисобига 183,3 минг квадрат метр уй-йўл барпо этилди, муҳандислик иншоотларидан 2,6 километр ичимлик суви ва 8,6 километр газ тармоқлари ётқузилди. Пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қуриш ва қайта тавмирлаш дастурининг иккинчи навбати жараёнида иккита маҳалла гузари, оилавий поликлиника, 120 ишчи ўрнига мўлжалланган қўшма ишлаб чиқариш корхонаси қуриб битказилди.

Давоми 2-бетда.

XVI сағоси

Барча малбалардан
олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

● Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти меҳнатқашлари кеча пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажардилар. Шу муносабат билан Президент Ислоом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонларини эришилган меҳнат зафари билан самимий табриқлади.

● Ўзбекистонда биринчи марта шу йил 26-28 октябр кунлари «TEXTILE EXPO UZBEKISTAN» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Япониянинг «Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюммаси вакиллари билан учрашув ўтказилди.

● Тошкентдаги иқтисодиёт ва техника Давлат университетларида ЮСАИДнинг Тадбиркорлик ривожлантириш лойиҳаси (EDP) ва сертификатли халқаро профессионал бухгалтерлар имтиҳон тармоғи — CPA EN томонидан уюштирилган CAP/CPA халқаро сертификатлаш тақдими то бўлиб ўтди.

● Бўстон шаҳрида 12500 кубометр сигимга эга бўлган янги нефть маҳсулотлари омбори фойдаланишга топширилиб, 8 километрли пулт излар орқали «Элликкальва» темир йўл шохбекатига уланди.

● «Бухороавтоўл» шўъба корхонаси йўлсозлари жорий йил бошдан бўён 4 миллиард сўмликдан ортқ тавмирлаш ишларини амалга оширдилар.

Жаҳонда

● Жанубий Корея Конституциявий суди томонидан Президент Но Му Хеннинг мамлакат пойтахтини кўчириш тўғрисидаги қарори ноконуний деб топилди.

● Индонезиянинг янги Президенти Суило Бамбанг Юдхойоно Вазирлар Маҳкамаси янги таркибини шакллантиришга киришди.

● Хитойнинг Хенан вилоятидаги кўмир конларидан бирида кучли портлаш юз бериши оқибатида 56 нафар қончи ҳаётдан қўз юмди, 150 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

● 2004 йил 2 ноябрда АКШда бўлиб ўтадиган президентлик сайловига фазодаги америкалик астронавтлар ҳам овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишди.

● Гонконгда иш жойларида, бар ва ресторанларда чекиш таъқиқланди. Мазкур мамлакат шу тариха тамакига қарши қураш бўйича халқаро кампанияга қўшилди.

ПОЙТАХТНИНГ
бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбир ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 15 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Акмал Икромов туманидаги «Ўрикзор» маҳалла гузарига жамиятда аёлларнинг фаоллигини ошириш мақсадида туман маҳаллаларининг диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўқув семинари уюштирилди.

● **КЕЧА** Ўзбек Миллий академик драма театрида Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорликларида «Маънавият кунлари» доирасида уюштирилган тадбир «Ассалом, улуг даргоҳ!» деб номланди.

● **ШАХРИМИЗДА** жойлашган Тошкент вилоят Марказий шифохонасида «Аёл—оила—таъбият» мавзусида ўтказилган тадбирда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқитувчилари иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улугбек туманида «Адолат» социал демократик партиясининг туман Кенгаши ташаббуси билан **КЕЧА** ёшлар ва партия вакиллари ўртасида давра суҳбати уюштирилди. Унда декабрда ўтайдиган икки палатали парламентга сайлов жараёнига партиянинг тайёргарлиги масаласи муҳокама қилинди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида **КЕЧА** талабалар ҳамда ўқитувчилар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуманда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз борди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университетиде «Инновация — 2004» халқаро кўرғазмаси ва ушбу тадбир доирасида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида халқаро АКСЕЛС ташкилоти ташаббуси билан ўқитувчилар ўртасида американошунослик ва инглиз тилини ўргатиш бўйича эълон қилинган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан мулкдорларга яратилган қўлайлик ва имкониятлар мавзусига бағишлаб ўтказилган тадбирда тадбиркорлар, иқтисодчилар иштирок этишди.

● **КЕЧА** шаҳримиздаги 60-мактабда ўқувчилар ўртасида ўн кундан бери Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Миробод тумани бўлими ташаббуси билан ташкил этилиб, ўтказилаётган стол тенниси мусобақалари ниҳоясига етди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ПАРТИЯЛАРГА САЙЛОВДА ҚАТНАШИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛДИ

21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси Бўри-тош Мустафоев бошқарди.

Марказий сайлов комиссиясига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган беш сиёсий партия Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни, жумладан, камида эллик минг сайловчининг партиянинг сайловдаги иштирокини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини топширган эди. Хозирга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон

Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишга ижозат берилган.

Мажлисида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи ишчи гуруҳининг хулосасига мувофиқ Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Миллий тикланиш партиясига Қонун-

чилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишга ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар нусхалари ҳар икки партия раҳбарларига топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш ва улари сайлов округига бириктириш масаласи кўриб чиқилди. Бу борада қабул қилинган қарорда қайд этилганидек, хорижий мамлакатларда 40 та сайлов участкаси ташкил этилади ва улар 3-Темир йўл сайлов округига бириктирилади.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎЗА

Давоми. Боши 1-бетда.

«Меҳр ва муруват йили» дастурини амалга ошириш борасида давлат ҳисобидан ҳамда ҳомиёларнинг қўллаб-қувватлаши остида кўп болали оилаларга, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, муҳтожларга 7 миллиард сўмлик молиявий-моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга иқтисодий ва молиявий барқарорлиқни таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлардан қатъи назар, иқтисодиётнинг айрим тузилмаларида асосан субъектив сабабларга кўра хануз муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Афсуски, шу кунга қадар бозор иқтисодиёти жараёни билан «тил топа олмаган» баъзи ҳўжалик раҳбарларининг ҳўжасизликлари тегишли субъектларнинг молиявий аҳоли ноқорлашуви, меҳнат жамоаси ва иқтисодий шериклар, шунингдек бюджет олдидagi қарздорлиги остида ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи октябрига қадар бюджетга бўлган боқимондалик 35,4 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич эса йилнинг бошига нисбатан 10 миллиард сўмга кўпайганидан далолат беради. Энг юқори «ишчи» боқимондалик энгил саноат тузилмалари (5,3 миллиард сўм), қурилиш ташкилотлари (3,6 миллиард сўм), улгуржи савдо қорхоналарига (1,1 миллиард сўм) тааллуқли.

Фооллар йиғилишида ўзаро ҳисоб-китоблар, дебитор-кредитор қарзлар ҳажмини қисқартириш бўйича вазифалар тўлиқ бажарилмаган туманлар жиддий таъкид остига олинди. Миробод туманидаги ҳўжалик субъектларининг мuddати ўтган дебитор қарздорлиги 3,1 миллиард сўмни, Сергели туманида — 727 миллион сўмни, Ҳамза туманида мudd-

дати ўтган кредитор қарздорлик — 10,5 миллион сўмни, Яккасарой туманида 5,6 миллиард сўмни ташкил этди. Умуман олганда, ўтган вақт ичида мuddати ўтган дебитор қарзлар 22,9 фоизга ошиб—9 миллиард сўмга, мuddати ўтган кредитор қарзлар — 23,7 миллиард сўмга тенг бўлди.

Учинчи чоракда қорхона ва

Афсуски, мазкур давлат дастурига жалб этилган 23 та қорхонадан фақат ўнтаси белгиланган вазифаларни бажара олган. Шу билан бирга моддий, ҳам ашё ва кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжни тўлақонли қондиришда хануз муаммолар мавжудлиги аниқланган. Йиғилишида мамлакат макрoқтисодиётида стратегия ҳақиятига эга ушбу дастурнинг бажариллишига ўта жиддий ва янада масъулият билан ёндашиш зарурлиги таъкидланди.

Фооллар йиғилишида шунингдек капитал қурилишига муаммолар, хусусан инвестицион дастурлар, айниқса тўғридан тўғри хорижий инвестициялар борасидаги имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиш йўллари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, туман ҳокимлари ва мутасарриф раҳбарларнинг эътибори 2009 йилгача мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умумийлиги дастурининг бажариллишига қаратилди.

Йиғилишида шаҳар ҳўжаллигини кузги-кишки мавсумга тайёрлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг бажариллиши юзасидан пойтахт коммунал тузилмаларининг фаолияти кескин танқид қилинди. Айни пайтда Тошкент шаҳрида ушбу масала бўйича махсус республика комиссияси иш олиб бормоқда. Текширувларнинг дастлабки натижалари шуни кўрсатдики, шаҳар коммуналчиларининг кишки мавсумга 100 фоиз тайёр эканлиги хусусидаги ҳисоботи амалиётга тўлиқ жавоб бермади. Комиссия томонидан соғлиқни сақлаш, мактаблар, шунингдек кўп қаватли уй-жой фондида бир қатор камчиликлар аниқланган.

Йиғилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов барча бундаги раҳбарларнинг эътиборини ушбу йўналишдаги мавжуд муаммоларни вақтида ҳал этиш лозимлигига қаратиб, бу борада қанчалик тезкорлик билан хато ва камчиликлар бартараф этилса ва аҳолининг коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш, пировадига мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим йирик сиёсий воқеа — икки палатали парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар муваффақиятига замин яратишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳозирдаги ҳукумат томонидан ушбу йўналишдаги вазифаларнинг бажариллишида керакли амалий ёрдам кўрсатилиши, бу борада муҳими — мутасадди ва ваколатли мансабдор шахслар ҳамжиҳат бўлиб, янада масъулият билан ёндашиши керак деган фикр ҳам билдирилди.

Йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Зафар Хошимжонов, Яккасарой тумани ҳокими Раҳмонбек Усмонов, шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи Фарпор Норматов, «Тошгаз» бош бошқармаси бошлиғи Қобил Фармонов, Тошкент электр тармоқлари қорхонаси бошлиғи Муҳаммадхон Икромов, Шайхонтоҳур тумани ҳокими Аҳсам Жумабоев, қурилиш ва инвестицион дастурлар департаменти раҳбари Абдухамид Аъзамов, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокировнинг ахборотлари тингланди.

Барча билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Ўзбекистон Республикасида тарихи 2500 йилдан ортиқ бўлган 4000 та мезморий ёдгорликлар мавжуд. Жаҳон ҳамжамиятининг тан олинган, қадимда Буюк Ипак йўли ўтган мамлакатимиз ҳудудининг туристик салоҳияти жаҳон цивилизацияси хазинаси ичига кирди. Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Шаҳрисабз мезморий ёдгорликлари «Жаҳон мероси» рўйхатига киритилган ва улар ЮНЕСКО томонидан муҳофаза этилади.

Кўرғазмалар

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ЯРМАРКАСИ — ҲАМ ҲАМДА

Кеча шаҳримиздаги «Ўзэкспомаказ» савдо-кўрғазмалар марказида «ТИТФ — 2004» — Буюк Ипак Йўли — Х халқаро туристик ярмаркаси ўз ишини бошлади. Унинг ташкилотчилари — «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва «Буюк ипак йўли» реклама агентлиги бўлиб, Бутунжаҳон Туризм ташкилоти расмий кўмак кўрсатмоқда.

Кўрғазма-ярмаркада Хорватия, Кипр, Туркия, Германия, Россия каби жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан ҳазилхўлик ташкилотлари ва фирмалар иштирок этмоқда. Павильон ва

стендлардан туризмнинг ҳар хил йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

«ТИТФ—2004» Тошкент халқаро ярмаркасини ҳар йили ўтказишдан мақсад ҳам ички, ҳам ташқи сайёҳликнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари учун чет эл билан алоқа ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш шароитларини яратиш бериш ва ўзаро тажриба алмашишдан иборат. Сайёҳлик ярмаркаси Ўзбекистон обрў-эътиборини халқаро майдонда мустаҳкамлайди, ту-



ристак маҳсулотларни тарғиб этади, мамлакатимизга сармоа жалб қилади. Бинобарин, Тошкент Халқаро кўрғазма-ярмаркаси доирасида ҳам қўллаб ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик шартномалари имзоланмоқда. (Ўз мухбиримиз).

СУРАТДА: кўрғазма-ярмаркадан лавҳа.

Раҳматжон Акмалов олган сурат.

Давоми. Боши 3-бетда.

16.00 Футбол. Осие чемпионлар лигаси. Ярим финал. «Пахтакор» - «Сеонгнам Чунма»... 20.30 «Болалар спорти»...

30-й канал

12.00 Открытие программы. 12.05 «Теле-хамкор»... 17.00 «Теле-хамкор»... 21.10 «Спокойной ночи малыши»...

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»... 8.00 «11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости»... 12.30 Дисней-клуб: «Дило и Стич»...

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»... 6.45, 14.40 «Ундина. Нагребневолны»... 12.30 «Спокойной ночи, малыши!»...

23.35 Детектив «Полиция Майами: отделение»... 1.15 Канал «Евроныс» на русском языке

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего... 8.00 Телесериал «Дороги любви»... 9.00, 14.30 Д/с «Потрясающие каскадерские трюки»...

НТВ

5.00 «Сегодня утром»... 8.05 Детективный сериал «Без следа»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.30 «Сегодня»...

ТНТ

4.55, 18.30, 23.25 Москва: инструкция по применению... 5.20 «Любовь и тайны Сансет Бич»... 6.05 «Глобальные новости»...

ТВ

6.00, 7.00, 10.30, 18.30, 5.00 Линия жизни... 6.30, 13.30, 16.30, 19.30, 4.30, 5.30 Диалогом к рыбалке...

19.35 «Давр»-интервью... 19.55 Ишга мархамат!... 20.10 Бегим... 20.30 ТВ-дорихона...

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

5.00 Рамазон туҳфаси... 5.20 «Ўзбектеlevision» намоийши... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»... 7.45 «Бардам бўлин»... 8.45 «Хабарлар» (рус тилида)...

30-й канал

12.00 Открытие программы... 12.05 «Теле-хамкор»... 12.30 «Детский час»... 14.00 «Солдат», сериал...

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»... 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости... 12.30 Дисней-клуб: «Утиньи истории»...

17.10 Курсатувлар тартиби... 17.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража буркак остида»...

«Тошкент»

17.45 «Табриклиймиз-кутайлимиз»... 18.50 «Улицы разбитых фонарей»... 20.00 «Время»...

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»... 7.45 «Бардам бўлин»... 8.45 «Хабарлар» (рус тилида)...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего... 8.00 Телесериал «Дороги любви»... 9.00, 14.30 Д/с «Потрясающие каскадерские трюки»...

НТВ

5.00 «Сегодня утром»... 8.05 Детективный сериал «Без следа»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.30 «Сегодня»...

ТНТ

4.55, 18.30, 23.10 Москва: инструкция по применению... 5.20 «Любовь и тайны Сансет Бич»... 6.05 «Глобальные новости»...

8.00 «Семьи диких животных»... 9.00 «Гольф-клуб-2»... 11.10 «Как говорит Джинджер»...

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»... 5.45, 17.55 Сериал «Каменская-3. Стилист»... 6.45, 14.40 «Ундина. Нагребневолны»...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего... 8.00 Телесериал «Дороги любви»... 9.00, 14.30 Д/с «Потрясающие каскадерские трюки»...

НТВ

5.00 «Сегодня утром»... 8.05 Детективный сериал «Без следа»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.30 «Сегодня»...

ТНТ

4.55, 18.30, 23.10 Москва: инструкция по применению... 5.20 «Любовь и тайны Сансет Бич»... 6.05 «Глобальные новости»...

8.00 «Семьи диких животных»... 9.00 «Гольф-клуб-2»... 11.10 «Как говорит Джинджер»...

ТВ

6.00, 7.00, 10.30, 18.30, 5.00 Линия жизни... 6.30, 13.30, 16.30, 19.30, 23.30, 4.30, 5.30 Диалогом к рыбалке...

ЖУМА, 29

«Ўзбекистон»

5.00 Рамазон туҳфаси... 5.20 «Ўзбектеlevision» намоийши... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»... 7.45 «Бардам бўлин»... 8.45 «Хабарлар» (рус тилида)...

8.55 Иклим... 9.00, 13.00, 16.00 Давр... 9.25 «Муҳаббат можароси»... 10.10 «Давр-интервью»...

«Тошкент»

17.10 Курсатувлар тартиби... 17.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража буркак остида»...

«Тошкент»

17.45 «Табриклиймиз-кутайлимиз»... 18.50 «Улицы разбитых фонарей»... 20.00 «Время»...

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»... 7.45 «Бардам бўлин»... 8.45 «Хабарлар» (рус тилида)...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего... 8.00 Телесериал «Дороги любви»... 9.00, 14.30 Д/с «Потрясающие каскадерские трюки»...

30-й канал

12.00 Открытие программы... 12.05 «Теле-хамкор»... 12.30 «Детский час»... 13.00 «Солдаты», сериал...

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»... 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости... 8.05 «Московская сага»...

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»... 5.45 Сериал «Каменская-3. Стилист»... 6.45, 14.40 «Ундина. Нагребневолны»...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего... 8.00 Телесериал «Дороги любви»... 9.00, 14.30 Д/с «Потрясающие каскадерские трюки»...

Давоми 5-бетда.

Охири. Боши 3-4 бетларда.

12.00 Х/ф «Родня». 14.00, 1.00 Д/с «Секреты кино». 15.00 Х/ф «Канн XVIII». 17.00 Х/ф «Воздушный удар».

НТВ

5.00 «Сегодня утром». 6.05 Детективный сериал «Без следа». 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня». 9.20 «Криминальная Россия». 9.55 «Квартирный вопрос».

ТНТ

4.55 18.30, 23.25 Москва: инструкция по применению. 5.20 «Любовь и тайны Сансет Бич». 6.05 «Глобальные новости».

ТВ

6.00, 7.00, 10.30, 18.30, 5.00 Линия жизни. 6.30, 13.30, 16.30, 19.30, 23.30, 4.30, 5.30 Диалого о рыбалке.

ШАНБА, 30

«Узбекистон» 5.00 Рамазон тухфаси. 5.20 «Узбектеlevision» намойиши:

«Роботи Малик», «Хива». 5.40 Хасан Ражабий куйлайди. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

12.00 «Табдилот». 12.35 «Олтин бешик». 13.05 «Муҳаббат ва актирис». 14.05 Муслик таннафуси.

18.05 «Истелюде». 18.25 «Рангин дунё». 18.45 «Кийлоқ хаёти».

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». 7.30 «Информацион-дам олий дастури».

Первый канал

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости. 5.10 Фильм «Земля до начала времен-1».

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани.

«Спорт» 7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг».

Россия

3.00 Комедия «Пена». 4.20 «Детал Вуди». 4.40 «Золотой ключ».

ТВ-3

8.00 Мультсериал «Мистер Бамл». 8.30, 9.00 Мультсериал «Мушкетеры».

НТВ

5.10 Боевик «Морская пехота». 7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня».

Россия. «По следу сибириского зверя». 17.40 «Кто хочет стать миллионером?».

ТНТ

6.00 «Наша секретная жизнь-1». 6.45, 12.50 «Калам-бур».

ТВ

6.00, 7.00, 10.30 Линия жизни. 6.30, 13.30, 16.30, 19.30, 23.30, 5.30 Диалого о рыбалке.

«Ёшлар» 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг».

ТВ

6.00, 7.00, 10.30 Линия жизни. 6.30, 13.30, 16.30, 19.30, 23.30, 5.30 Диалого о рыбалке.

«Узбекистон»

5.00 Рамазон тухфаси. 5.20 «Ахмад ал-Фароғий».

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. 17.40 «Табриклиямиз кутлайми».

«Ёшлар» 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг».

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. 17.40 «Табриклиямиз кутлайми».

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. 17.40 «Табриклиямиз кутлайми».

«Ёшлар» 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг».

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. 17.40 «Табриклиямиз кутлайми».

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. 17.40 «Табриклиямиз кутлайми».

«Ёшлар» 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг».


«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. 17.40 «Табриклиямиз кутлайми».

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. 17.40 «Табриклиямиз кутлайми».

Шарқ дурдоналари



● ХИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тожи, ўзи араб ҳақиқатларининг устози бўлган Собит ибн Куррадан қуйидаги ҳикматларни нақл қиладилар: «Жисм роҳати овқатнинг озида, руҳ роҳати кам ейишда, тил роҳати оз гапиришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмак эиенга йўл қўймоқ ва маламатга қўлмоқдир.

Агар кўрсангки йўлда чоҳдир,
Агар хомуш ўтирсанг зўр гуноҳдир!

Айгачи жим ўтирмак хирадманд

Валекин маслаҳат пайтида хуш бўлгай фикр айтмоқ

Билиб кўй, икки пайтда жим ўтирмак бефаҳмликдир.

Керак пайтида сўз айтмай, ноқерак пайтида дам урмоқ!

Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни ўйлаб иш тутувчилар учун нолойиқ ишдир. Шунингдек, гапириш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номувобидир.

Ақлу тadbир билан ўйлаб қарадим,

Сергап бўлса ҳар ким доим хор экан.

Айтмагайман лабу кўзни юм доим, жойи бор экан.

● ХИКОЯТ. Айтишларича, беҳуда сўзлашдан кўра жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсар, Ҳинд роҳаси, Чин фағфури ўрта-сида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир маънодаги сўзларни турли ибратда баён ипига тиздилар.

Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан каттиқ надомат тортидим. Аммо айтган сўзларимдан ҳеч пуншаймон бўлмадим!» Назм:

Айтилмаган сўздан надомат етмас,
Сўз айтилган, ундан зарар юзланар!

Ҳинд роҳаси ақл дарёсидан дур ҳозирлаб, баён ипига терди-ю, деди: «Сўз ўки баён камонидан ҳали отилмаган экан у менинг қўл остимдодир. Оғиз камонидан отилиб чиқса, унга энди эғалик қилолмайман!» Байт:

Айтилмаган сўзни айта оларсан,
Айтилганни қачон тута оларсан?!

У давом эттиб деди: «Ҳар сўз ўки камондан уқса ва ҳар калима оғиз зиндонидан кўчса уни қайтариб оламан дейиш хом хаёлликдир!» Байт:

Шошилмоқдан тийгин доимо ўзни,
Истаганда айтсанг бўлади сўзни!

Чин фағфури сўз бустонидан гулдаста ҳозирлаб, тўхта қилган ҳолда деди: «Сўз қўши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри менинг изимдодир. Бордию, у тил ошёнасидан парвоз қилса ҳеч қачон уни тўтиб бўлмайди». Байт:

Куш қафасдан учиб кетганда ҳар дам,
Тутаман деб уни тортмагин алам!

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридодир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб қиради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади. Байт:

Сўз келини дилва қилмаган замон,
Соҳибнинг қўли остида пинҳон

Хоҳлаганда уни баён қилади,
Хоҳлаганда яна нихон қилади!

Қадриятларимиз

МЕҲРИНГ
СОЧАВЕР, «МЕҲРЖОН»

Аждодларимизнинг Истиклол нашъаси ва неъматларидан баҳраманд бўлиш тўғрисидаги орзу-умидлари бор бўйи билан рўёбга чиқмоқда. Айниқса азалий урф-одатларимиз, турли байрамларимиз, халқ сайилларининг қайта тикланиши ва нишонланиши қувонарлидир.

«Меҳржон» байрами ана шундай қайта тикланган қадимий байрамларимиз қаторига қиради. Шунга айтиш керакки, Меҳржон байрамининг тарихи 3 минг йилларга бориб тақалади. У шарқ халқларининг энг қадимий ва гўзал, кут ва барака, тўқин-соқинлик байрами сифатида айни куз фаслида, пишққчилик пайтида нишонланиб келган.

Куни кеча Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам «Меҳржон — меҳр ва муруват байрами» номи тadbир бўлиб ўтди.

«Меҳржон» байрами халқ сайлини Яқкасарой, Сергели, Собир Раҳимов туман ҳокимликлари ва «Маънавият ва маърифат» марказларининг туман бўлимлари, Яқкасарой туман маданият бўлими Бобур боғи раҳбарияти, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, «Оила» маркази раҳбарлари ҳамкорликда ўтказдилар.

Байрам кўтаринки руҳ ва ахлоқ кайфиятда ўтди. Эстрада-цирк коллежи, Маннон Уйғур номидаги санъат институти талабаларининг диляро куй ва кўшиқлари, турли сахна кўринишлари барча йиғилганларнинг

кўнглини хушнуд этди. Шунингдек, байрам тadbирининг фаол иштирокчиларига «Камолот» ЁИХ томони-дан совғалар берилди.

Байрамда талабалар, кекса-ю ёшлар иштроқ этдилар. Tadbир сўғида меҳмонлар ва иштирокчиларнинг Меҳржон байрами тўғрисида фикр ва мулоҳазалари билан кўзқичиди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ, ёзувчи: — Бу байрам ҳақида Абу Райҳон Беруний шундай деб ёзиб қолдирган экан: «Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон заминнинг икки кўзидир». Дарҳақиқат, Наврўз ва Меҳржон байрами энг муқаддас ва энг муқаррам байрамларимиздандир. Биз шу аънаналар тикланганига минг бор шукр қиламиз. Меҳржон аслида ҳосил байрами, саҳий олтин куз, мўл-кўл сархил мевалар байрами, халқ сайли сифатида нишонланиб келган. Илоҳим шу байрам юртимизга янада тўқинлик, фаровонлик ато этсин. Келгуси авлодлар ҳам ўз қадриятларини қадрлаб яшайверсинлар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ОДАМЛАР, БИЗНИ УНУТМАНГ

Яқин қариндошимизникига дафн маросимига бордик. Тўқсон ёшни қоралаган табаррук онахон оламдан ўтганди. Уша куни жума намозига тўғри келгани сабаб масжидда бироз туриб қолишга тўғри келди. Қабристон билан масжид туташ бўлгани учун вақт борлигидан фойдаланиб мазористонни зиёрат қилмоқчи бўлдик.

Узун йўлга бўйлаб боряпмиз кузимиз паст-баланд қабрларда. Уларда не-не инсонлар ётибди. Лекин шундай зиёратгоҳ маскан негадир узоқ вақт қаровсиз қолдирилганлигидан ранжидик. Ахир азалдан бизда қабристонлар қадамжо ҳисобланади. Шундай экан уларни обод ва озода сақлаш биз тирикларнинг бурчимиз. Қолаверса инсон умри ўлчовли. Унинг сўнги манзили, борар жойи мазористон. Ота-боболаримизнинг «Гўринг нурга тўлсин» деган сўзларида катта маъно бор. Аввало бу сўз қабристонларнинг обод ва чароғон бўлишига қаратилган.

бўларди. Савдо ҳам яхши эди. Ҳозир ҳам ҳар қалай бизга ўхшаганлар бу ерга кириб-чиқиб турибди. Лекин чипта нарҳининг қимматлигидан ҳамма норози. Менимча бундан бозор маъмурияти ҳам зарар кўрса кўрпятики, фойда кўрмайди. Сабаби, бозорнинг ярми бўш.

Яна бир сотувчи уч сафардан бери шунча пул тўлаб бозорга кириб машинасини сота олмаётганлигидан нолидаи. Кўпчилик оғзида пайдо бўлган «арзон бозор»га ўтдик. Бозор тиқилинч. Ҳатто юришга қийналасан киши. Сотувчи ҳам, олувчи ҳам бисёр. Бир қарашда гўё асосий бозор шу жойга кўчгандек. Ташқарида бозорга кириш учун навбат кутиб турган машиналарнинг сон-саногой йўқ. Тўхташ жойи хизматчиларнинг боши гаранг. Чунки ичкарида жой йўқ, лекин илтимосчиларнинг кети узилмайди.

—Олдин биргина шу жойнинг ўзида бозор бўларди, — дейди улардан бири. — Ҳозир машиналар кўплигидан уларнинг сафи

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Тан олиш керак, сўнги йилларда юртимизда, умуман шахримизда қабристонларни ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Уларни ораста қилиш учун маҳаллаларда тез-тез ҳаҳарлар, шанбаликлар уюштирилганлигининг шохиди бўлиб турибмиз. Бугун ана шундай обод қабристонларни санаб адоғига етиш қийин. Бироқ нақадар аччиқ бўлмасин айтиб ўтишга тўғри келади. Не ажабки, ҳали ҳам жойларда қаровсиз қолдирилган, ўт-ўлан, турли чирмовиқларга ўралаб ётган қабристонлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Хаёллар оғушида бораётсак, ҳамроҳимиз: — Буниси галати бўлдику, — деб қолди. Рўпарамизда одам бўйи баланд деворлар билан ўралган хилхонага дуч келдик. Яхши умидлар билан бунёд этилган хилхона ҳам ташландик ҳолга келиб қолган. Унинг деворлари нураб кетибди. Эшиклари синик, Бунинг устига хилхона пештоқига ёзилган ёзувларнинг ярми ўзбекча, ярми русча эди.

Ундан сал нарида гўё шу хилхонага ҳасад қила-қила қаровсизликдан ер бағирлаб кетган қабрлар мунгайиб ётибди. Таъзимиз тирриқ бўлиб орқага қайтдик. Пешин намози тугаб, жаноза бошланди. Яна тобут қўлдан қўлга ўтди. Илонизи йўллар билан бориб, марҳумани бир алпозда қўйиб қайтдик.

Мазористондан чиқаётганимизда галати бир хш қалбимизни чулғаб олди. У ер, бу ерда «аккам-дуккам дўнпайиб ётган қабрлардаги марҳумлар гўё бош кўтариб: «Одамлар бизларни унутманг, руҳимизни шод қилиш истагида бўлсангиз, ётган манзилемизни обод қилишга бошларинг», дея нидо қилаётгандек эди.

МАШИНА БОЗОРИДА БИР КУН

Дам олиш куни эрта билан йўлга отландим. Кўпдан бери Сергелига йўлим тушмасди. Бу сафар шу томонларни айланганимни ихтиёр этдим.

Биз бораётган автобус Сергели бозори яқинида тўхтаб қолди. Нима экан деб суриштирсак, ҳайдовчи енгил машиналар кўплигиндан йўл тўсилиб қолганини айтди. Сураб-суриштирсак бу машиналарнинг ҳаммаси сотувга қўйилиш учун Сергелидаги машина бозорига олиб келинган экан.

— Нега улар бозорга кирмай йўл юзида қаторлашиб турибди? — сўраймиз ҳайдовчидан.

— Эй отахон, бозорга кириш нархи қиммат. Битта машина учун 12 минг сўмга талон олиш керак. Бу пулни ҳаммининг ҳамеъни кўтаравермайди. Шунинг учун кўпчилик ўз транпортини шу бозор билан ёнма-ён жойлашган 500 сўмлик машина сақлаш жойига олиб қиради. Бу жой ҳам ҳозир ўз ҳолича бозорга айланган. Харидорлар асосий бозор қилиб шу жойни кўпроқ айланишади, — деб жавоб берди у.

Ахвол билан яқиндан танишиш учун шу ерда автобусдан тушдик. Олдин ҳақиқий — ўша 12 минг сўмлик бозорни айландик. Машиналар сийрак. Ҳайҳотдек бозорнинг деярли ярми бўш. Бу жойдан асосан янги машиналар, чет элнинг турли русумдаги қимматбаҳо машиналари ўрин олган. Олувчидан сотувчи кўп. Техникаларнинг баҳоси ҳам анча қиммат. Сотувчилардан бирини суҳбатга тортидик.

— Қўриб турибсиз отахон, кириш баҳоси қиммат бўлгани учун бу ерда харидор ҳам, машина ҳам кам. Олдин чипта нархи 6 минг, 7 минг сўмлик вақтида ҳамма шу ерда эди. Бозор гавжум

то Сергели дехкон бозоригача чўзилган. Лекин бу жойларга кириш ҳам амри маҳол.

Сотувчиларнинг айтишича, бу арзон бозордан жой олиш учун бир кун олдин келиш керак экан. Бўлмаса бу ердан жой олиш қийин, дейишди. Ярим тунда келганлар гоҳ ичкарига қира олади, гоҳ йўқ. Эрта саҳарлаб йўлга отланганларга эса умуман жой йўқ.

Катта йўл бўйлаб турнақатор машиналарнинг чеки йўқ. Назоратчилар йўл қатновига тўсик бўлаётган бу транспортларнинг ҳайдовчиларига бу ерда турмасликни уқтиришади. Лекин ҳайдовчилар қайсарлик билан жойларидан жилишмайди. Уртада жанжал, тўполон.

— Ҳар бозор шу ахвол, — дейди йўл назоратчиларидан бири.— Асосий бозорнинг кириш нархи қиммат бўлгани учун унинг ярми майдонидан кўпи бўм-бўш туради. Арзон бозорга кириш эса тўполон. Биз машиналарни тартибга солмоғимиз оғир-оғир сарсонмиз. Уртада бўладиган кўнглисизликларни айтмайсизми. Шундан кўра асосий бозорга кириш нархи бироз арзонлаштирилса бундай тартибсизликларга чек қўйиларди.

Бизга ҳам шу сўз маъқул келди. Бозор мутасаддилари шу ҳақда бир йўлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

ҚАЙСАРЛИК ОҚИБАТИ

Автобусларнинг Амир Темура бекати ҳамиша гавжум. Шаҳар марказида жойлашган ушбу бекат бошқаларга нисбатан анча озода, саранжом-сарашта. Бу жойда турли миллат кишиларини, ҳатто чет эллик меҳмонларни ҳам кўплаб учратасиз. Яқинда шу бекатдан ўтувчи 51-автобусни қутишимизга тўғри келди. Биздан сал нарида тинимсиз писта қақиб турган уч-тўртта йигитлар қўлларидан писта пўнқоларини ҳеч иккиланмай оёқлари остига ташлашади. Бекатни сўпуриб-сидириб юрган фаррош хотин уларни тартибга қақирди.

— Болалар, бу ерда писта қақманглар.

Ёшлар бу гапга мутлақо эътибор беришмади, ўз билганларидан қолишмади. Бекатда турган бир мўйсифид киши ўртага аралашди.

— Болаларим, сизларга писта қақманглар, бу ерни ифлос қилманглар дейишпяти, эшитяпсизларми? — деб қолди.

— Эшитяпмиз. Қулгимиз гаранг эмас, — деди улардан бири отахонни жеркиб.

— Ҳимоячи топилди, — деди иккинчиси.

— Бу ерни тозалаш фаррошнинг вазифаси, бизга нима, — деди учинчиси.

Бу гап ўтиб тушди. Бекатда турганларнинг асаби кўзиди. Ҳамма ҳам хил сўзлар билан йигитларнинг бу қилмишини қоралади, уларни тартибга қақирди. Йигитлар ўжарлик қилишди, писта қақишда давом этаверишди.

Уртада келишмовчилик бошланди. Баъзилар улар билан сан-манга бориб қолишди. Орага милиция аралашди. Йигитлар унга ҳам бўйсунмади. Шу тўда бу ердан ўтаётган милиция машинаси воқеани кўриб тўхтади. Йигитлар қочиб қолишди. Улардан биттасини милиция ходимлари ушлаб қолишдида, машинага ўтказиб олиб кетишди.

Ўжарлик, қайсарлик, бетга чопарликнинг оқибати мана шундай кўнглисизлик билан тугади.

Шифокор маслаҳати

ГРИППДАН САҚЛАНИНГ

Грипп — ўта юқумли вирусли касалликлар қаторига кириб, аҳоли ўртасида тез ва осон тарқалиши билан бошқа касалликлардан фарқ қилади. Касаллик манбаи бемор одам бўлиб, у ҳаво-томчи йўли орқали бошқа кишиларга юқади. Грипп эпидемиясининг вужудга келиши йилнинг совуқ ойлари (ноябрь, март)га тўғри келади.

Касаллик тўсатдан, ўткир бошланади. Унинг белгилари қаттиқ бош оғриши, айниқса, пешона ва кўз усти соҳаларида, бош айланиши, мадорсизлик, мушакларда ва кўз соқаларида оғриқ, нафас сиқилиши орқали намоён бўлади. Касалликнинг биринчи соатлариданоқ тана увишади, ҳарорат 38-40 даражагача кўтарилади ва бу ҳолат 2-5 кун давом этади.

Грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекция (УРВИ) билан оғриган барча беморлар иситма даврида албатта ётиши ва шифокорни уйига чақириши лозим. Шунингдек, калорияли, сервитамин пархез таомлар билан бирга бир суткада 1,5-2 литргача суюқлик (чай, мева шарбатлари, иссиқ сут, малинали, лимонли чой, мине-

рал сувлар) истеъмол қилишлари керак. Дорилардан касалликнинг биринчи кунини интерферон, ремантадин, аскорбин кислота тавсия этилади.

Гриппнинг асоратсиз ўтиши учун антибиотик ва сульфаниламидлардан фойдаланмаслик керак. Ушбу касаллик билан курашиш тиббиётда икки йўналишда олиб борилмоқда.

Биринчиси, организмнинг касалликка қарши курашиш хусусиятини ошириш мақсадида аҳолини эмлаш, яъни вакцинопрофилактика йўли.

Иккинчиси, инсон ўзини касалликдан муҳофаза қилиши, яъни танани чиниқтириши, бадантарбия билан мунтазам шуғулланиб, овқатланишга алоҳида аҳамият бе-

риши лозим. Шунингдек, кўпроқ очик ҳавода юриш, совуқ кунларда иссиқ кийиниш, албатта бош кийим кийиш, оёқ кийим иссиқ ва қуруқ бўлиши жуда муҳимдир.

Гриппнинг олдини олишда муассасаларда, ўқув юртларида, корхоналарда, мактабларда, боғчаларда ва аҳолининг яшаш жойларида барча хоналарнинг иссиқлик ҳарорати 17-18 даражадан паст бўлмаслиги аҳамиятлидир.

Грипп эпидемияси даврида асосий эътиборни касалланиш хавфи кўпроқ бўлган аҳоли гуруҳларини муҳофазалашга қаратиш лозим. Бу гуруҳга тиббиёт, транспорт, мактаб, боғча, савдо, умумий овқатланиш муассасалари ходимлари кирди. Касалликнинг олдини олиш мақса-

дида дока ниқоблардан фойдаланиш ва уларни албатта ҳар тўрт соатда алмаштириш зарур. Бу ҳолда ниқоблар 98 фоизгача патоген микрофлораларни ўзида ушлаб қолади.

Хоналар 0,5 фоизли хлорамин ёки хлорли оҳак эритмаси билан ҳар куни 2-3 марта ювилса, хлор бугланиб, ҳаводаги грипп ва УРВИ вирусларини ўлдиради. Шунингдек, иссиқ тутатиш ҳам бактерицид ва вирулоцид таъсир кўрсатиб, хона ҳавосини зарарсизлантиради. Хоналарни тез-тез шамоллатиш, ҳавосини алмаштириш ҳаводаги микроорганизмларнинг сонини 85-92 фоизгача камайтиради.

Профилактик мақсадда ремантадин, оксалин суртмаси, интерферондан фойдаланиш ҳамда шахсий гигиенага риоя қилиш касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ш.АКРОМОВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бош врач.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари қўмитаси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими
ОШПАЗЛАР, ҚАНДОЛАТЧИЛАР ВА ОФИЦИАНТЛАР
ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Халқимизнинг энг яхши миллий анъаналарини қайта тиклаш, умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг касб савиясини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида умумий овқатланиш соҳаси мутахассисларининг шаҳар танлови ўтказилади.

Танлов ғолиблари қимматбаҳо мукофотлар ва Республика кўрик-танловига қатнашишга йўлланма оладилар. Ғолиб деб топилган моҳир касб эгалари эса халқаро танловларда қатнашадилар.

Туман ва шаҳар танловлари ноябрь-декабрь ойларида, Республика танлови эса март ойида

ўтказилади.

Танловда иштирок этмоқчи бўлган мутахассислардан аризалар 2004 йил 13 ноябргача туманлар бошқармалари ва шаҳар Савдо департаментининг ташкилий қўмиталарида қабул қилинади (корхонанинг жойлашган манзили бўйича).

А.Икромов — 117-48-57, 74-16-71, 74-63-51
Бектемир — 195-16-29, 195-04-07

Миробод — 54-95-02, 133-29-25
М.Уллубек — 68-14-67, 67-19-34, 67-84-98

С.Раҳимов — 29-05-94, 46-61-76, 46-65-07
Сергели — 57-14-96, 57-39-93, 58-65-98

Чилонзор — 173-15-02

Ҳамза — 96-98-55, 96-12-61

Шайхонтоҳур — 148-14-64, 148-14-25

Юнусобод — 137-54-11, 134-51-60

Яккасарой — 54-79-38

Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси Департаменти, 33-хона.тел. 133-68-57, 133-21-23

Манзил: Мовароуннахр кўчаси, 6-уй.

Танлов шarti: Танлов иштирокчиларининг ёшлари чегараланмаган. Танловда қатнашиш бепул.

**ЙЎЛОВЧИЛАР ВА ТЕМИР ЙЎЛ**
ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИДАН
Фойдаланувчилар диққатига!

Юк ва йўловчи ташиш жараёнини яхшилаш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини янада ошириш, темир йўл ташиш хизматлари бўйича аҳолининг талаб ва шикоятларини ўрганиш юзасидан маркетинг тадқиқотларини кенгайтириш мақсадида 2004 йил 22 октябрдан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг ишонч телефони ўз ишини бошлади.

Ўз талаб ва тақлифларинингизни ҳар куни соат 8.00 дан 20.00 гача

— 132-10-76

— 199-75-57

— т.й. 3-75-57

телефонлари орқали билдиришингизни сўраймиз.

*Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!***«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»**

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

● Тошкент шаҳар А.Икромов тумани, 24 Закария Розий 1 тор кўчасида жойлашган, майдони 8730 кв.метр бўлган, «**ТИКУВ ЦЕХИ**» (собик «Чевар» фабрикаси), бошланғич нархи — 450 000 000 сўм;

● Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муборак Турсунхўжаев 2-берк кўчаси, 25-уй манзилида (мўлжал: «Чилонзор буюм бозори» (собик Отчопар бозори) қаршисида) жойлашган, ҳовлиси майдони 600 кв.метр (6 сотих), қурилиш майдони 198,2 кв.метр бўлган, 12 хонадан ташкил топган, **ХОВЛИ-ЖОЙ (ертўлали)**, бошланғич баҳоси — 70 000 000 сўм;

● Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, Марказ-15 даҳаси, 13-уй, 74-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 54,9 кв.метр, фойдали майдони 30,94 кв.метр бўлган, **2 ХОНАЛИ ХОНАДОН (ЕВРОРЕМОНТ)**, бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм;

● Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жангтоҳ кўчаси, 13-уй, 75-76-хонадонлар манзилида жойлашган, умумий майдони 110,48 кв.метр, фойдали майдони 54,18 кв.метр бўлган, **4 ХОНАЛИ ХОНАДОН (2 ТА ИККИ ХОНАЛИ, ЕВРОРЕМОНТ)**, бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

«02» ХОДИСАЛАР

• Одатда кундалик турмушимизда қарилқаштини сураётганларнинг ҳолидан, иссиқ-совуғидан хабар олиш яхши аъналаримиздандир.

Миробод туманидаги Машарипов 2-тор кўчасида яшовчи Олег бунинг аксини қилиб яхши ном орттирмади. Жумладан, у очик қолган эшикдан эркин кириш йўли билан таниши, 1933 йил туғилган нафақажўр, Кўйлик 1 мавзёсида яшовчи Т.Рибакванинг уйига бостириб кириб, унинг қўл ва оёқларини боғлаб, 200.000 сўм пулини тортиб олиб, қочиб кетган. Аммо, у босқинчилик йўли билан қўлга киритилган ўзганинг маблагини ўзлаштиришга улгурмай қора қилмиши фож бўлди. Хозирги кунда Олег хисга олинган, ақин кунларда қонун олдида жавоб беради.

• Бектемир туманидаги Сангзор кўчасида яшовчи Хусниддиннинг хонадонидан 400.000 сўмлик 4 хил сарик металлдан ясалган тақинқолларни уғирлаб кетаётган Бинокор кўргони, Бинокор маҳалласида яшовчи Жабборнинг ҳам омади чопмади.

У тун қоронғусида меҳнат қилмай қўлга киритилган буюмларни олиб қочиб кетаётган вақтда Пост патруль хизмати ходимлари Абдуазов ва Абдусаматовлар томонидан далилий ашё билан ушланди.

• Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчасидаги «Гранд Мир» меҳмонхонаси олдида, «Қорадори-2004» махсус тадбири жараёнида, Чоштёпа кўчасида яшовчи Антон Ф. ушланиб, унинг ёнидан чиққан 2 килограмм 23 грамм марихуана моддаси тортиб олинди.

• Эр-хотиннинг уруши доимо ҳам доқа рўмолининг қуриши бўлмас экан. Сергели туманидаги Толарик 2-тор кўчасида яшовчи К.Карим маст ҳолда, ўзаро жанжал оқибатида, турмуш ўртоғи К.Нафисани уриб, унга тап жароҳати етказган. Натижада у «соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати» олган. Энди муштумзўр эр қонун олдида жавоб беради.

• Сергели туманида ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари судланган Бирлик кўчасида яшовчи Сергей Н. маст ҳолда Бирлик кўчасида қаровсиз қолдирилган, «Тошсиккуввати»га қарашли Р.Исломитдинов бошқарувида бўлган «Т-40 М» русумли, давлат рақами 4703 ХЧ тракторини ҳайдаб олиб, қочиб кетаётган вақтида ушланган.

• Яна шу туманда ишламайдиган, судланган, Зангиота тумани, Хонобод кўргони, Беруний кўчасида яшовчи Восит Э. маст ҳолда Моҳичехра кўчасидаги 10-уй олдида қаровсиз қолдирилган, А.Хабиев кўчаси, 11-уйда яшовчи К.Раҳимовнинг «Зил» русумли, давлат рақами 10 X 1849 автоуловини ҳайдаб олиб қочиб кетмокчи бўлганида жабрланувчи томонидан ушланди. Энди шоввоэлар адолатли қонунларимиз олдида жавоб берадилар.

Дилбар ЁДГОРОВА,
ИИББ Матбуот маркази
жамоатчи муҳбири.

Мағбирлар

ТИЛ — ДИЛ КЎЗГУСИ

Инсонда она тили туйғуси дастлаб халқимизнинг энг улуг қадриятларидан бири бўлган она алласи орқали уйғонади. Шунингдек, барча эзгу фазилатлар аввало инсон қалбига она алласи орқали сингади. Она тили — миллатнинг руҳидир.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча гушаларида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун тантанали байрам сифатида қизгин нишонланмоқда. Жумладан, кеча Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида ҳам «Она тилим — жону дилим» мавзюдаги тил байрами ўзгача руҳда ўтди. Байрамона безатилган лицейнинг катта залида ўқувчилар ўзлари тайёрлаган байрам дастурларини намойиш этдилар. Улар тил — маънавиятимиз асоси, маданиятимиз келажаги эканлиги, унга ҳар биримиз ҳурмат билан қарашимиз зарурлиги ҳақида фахрланиб сўзладилар. Шунингдек, ўқувчилар миллатимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган она тилимиз ҳақидаги шеърлар ва улуг алломаларимизнинг ҳикмат ва ўғитларидан ёд олдилар. Лицей қошидаги «Театр» студияси қатнашчилари Алишер Навоий, Зебунисо, Нодирабегим синга-

ри улуг сиймоларимиз тимсолида сахна кўринишларини маҳорат билан ижро этдилар. Шу билан бирга ўқувчилар томонидан она тилимизга бағишланган деворий газеталар чиқарилди.

— Улуг мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг тил ҳақида айтган ҳикматли сўзларини бугунги кунда ҳар биримиз чқур англашимиз ҳамда ёш авлод онгига синдиришимиз лозим, — дейди академик лицей директори Маҳфуза Муродбекова. — Дарҳақиқат тил-миллат фахри, кўзгусидир. Тил байрамига лицейимиз ўқувчилари қизгин тайёргарлик кўришди. Она тили ва адабиёти кафедраси томонидан лицейда тилга бағишланган ҳафталик ўтказилот, очик дарслар, қизиқарли машғулотлар олиб борилмақда. Бу дарсларда халқ оғзаки



ижоди, буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижоди билан ўқувчилар яқиндан таништирилмоқда. Мақсадимиз ўқувчилар қалбига она тилимизга, она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари янада оширишдан иборат.

Тадбирда янграган жозибали куй-қўшиқлар, гўзал рақслар тил байрамига ўзгача файз, йиғилганлар қалбига эса бир олам қувонч бахш этди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: академик лицейда бўлиб ўтган тил байрамидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солихов
олган суратлар.



Бёқи вақтингизда

КРОССВОРД

Энига: 7. Африкада тарқалган ийрик ҳайвон. 8. Ердан қузатиладиган сайёранинг бир айланиб қуёшга нисбатан дастлабки вазиятга қайтиш учун кетадиган вақт. 10. Ҳаво транспорти. 13. Арабистон ярим ороли ғарбидаги султонлик давлати. 14. Қовун бўлаги. 15. Организмнинг сафро ишлаб чиқарувчи аъзоси. 16. Кимёвий элемент. 20. Машраб газали билан «Ўтган кунлар» фильмида ижро этилган ашула. 21. Яратганнинг йўлидаги эзгу фаолият. 25. Ҳиндистондаги шаҳарга номдош газлама. 27. Биринчи ўзбек кинооператори. 28. Қўшалоқ сомса.

Бўйига: 1. Ҳисоб илмида тўғрилиги исбот қилинадиган даъво. 3. Миллий ширинлик. 4. Тараққийёт асоси. 6. Рус физик олими. 9. Абхазиядаги қурорт шаҳар. 11. Бухоро тумани. 12. Таркибида кремний кислотасининг тузлари бўлган маъдан, саноат ашёси. 17. Жуда оғир ва катта ҳажмли юкларни ташувчи платформали автомобиль. 18. Пешқадам. 19. Кичик ҳарбий қисм. 22. Кузги япроқ. 23. Имом Ал-Бухорий зиёратгоҳи бунёд этилган маскан.


Ёйлар бўйича: 2. Ёнма-ён жойлашган давлат ҳудудининг бўлиниш чизиги. 5. Пўстлоғи зирвор сифатида ишлатиладиган жануб ўсимлиги. 24. Қоидабузарни белгиланган тартибда жазога тортиш. 26. Аёллар исми.

Муаммонома

Юқорида таърифлари баён этилган сўзлар асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб ҳикматли сўзни билиб олинг.

- 7-7; 10-1; 25-1; 15-4; 8-1; 21-1; 13-1; 14-5.
1-6; 20-2; 16-3; 3-2; 26-1; 29-3; 11-7; 19-5; 18-1; 22-5; 6-5.
2-3; 28-5; 5-3; 4-4.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**



Газетанинг шу йил 15 октябрь сонида берилган «Ихтирочилар» айланма кроссвордининг жавоблари:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида: 1. Беруний. 2. Перкинс. 3. Сейверн. 4. Галилей. 5. Улугбек. 6. Флеминг. 7. Рентген. 8. Ферсман. 9. Насонов. 10. Морозов. 11. Петрова. 12. Цельсий. 13. Лисенко. 14. Бекетов. 15. Кобулов. 16. Кулибин.

Муаммонома
Очкич сўзлар: 1. Қадоқ. 2. Собит. 3. Тугун. 4. Улчам.
Ҳикмат: Одам кўли гул, чўлни бўстон қилади.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажин — 2 босма тибқ обфест
услуби босилди.
2812 нуссада босилди. Қўғот бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқмай.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш маъсалалари бўйича турор жойлардаги
почта бўлимларида ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05
телефонига мувожабат қилишнинг мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.